

Jonuzoqova Yulduz Izzatulla qizi

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Huquqiy siyosat tadqiqot instituti katta maslahatchisi, Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti magistranti

**XORIJIY MAMLAKATLARNING JINOYAT QONUNCHILIGIDA
O'ZGALAR MULKINI KOMPYUTER VOSITALARIDAN FOYDALANIB
TALON-TOROJ QILGANLIK UCHUN JAVOBGARLIK MASALALARI**

Jonuzokova Yulduz Izzatulla kizi

*Senior Advisor of the Research Institute of Legal Policy under the Ministry of Justice,
Masters of the University of World Economy and Diplomacy*

**ISSUES OF RESPONSIBILITY FOR THE THEFT OF ANOTHER
PROPERTY USING COMPUTING EQUIPMENT IN THE CRIMINAL
LEGISLATION OF FOREIGN COUNTRIES**

Жонузокова Юлдуз Иzzатулла кизи

*Старший консультант Исследовательский институт правовой политики при
Министерстве юстиции, Магистр Университета мировой экономики и
дипломатии*

**ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ХИЩЕНИЕ ЧУЖОГО
ИМУЩЕСТВА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СРЕДСТВ ВЫЧИСЛИТЕЛЬНОЙ
ТЕХНИКИ В УГОЛОВНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ЗАРУБЕЖНЫХ
СТРАН**

**Хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида ўзгалар мулкани
компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун
жавобгарлик масалалари**

Дунёда кибержиноятчиликнинг тобора хавfli тус олиб, кунига 200 мингдан ортиқ содир этилаётганлиги, мазкур жиноятлар оқибатида **жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд.га яқин** мулкый зарар етказилаётганлиги, 2016 йилда Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотда, 2019 йилга келиб,

компьютер жиноятчилигидан етказиладиган зарар **2,1 трлн долл. ортиб кетиши** мумкинлиги, ҳар ойда содир этилаётган жиноятлар 10-15% га ортиб бораётганлиги, халқаро миқёсда ушбу жиноятларга қарши курашишнинг бугунги кунда аҳамияти янада ортганлигидан далолат беради. Ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиши ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар шакл ва турларининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, бугунги кунда компьютер техникасининг такомиллаштирилиши, ўз навбатида, унинг имкониятларни кенгайтириб, у билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятлар, хусусан ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш ҳолатлари кўпайиши, уларнинг **ижтимоий хавфлилиги даражасининг ошишига** сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб ўзгалар мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш 2010-2016 йилларда 10.5% га; ушбу воситалардан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик 20,6% га, компьютер тизимига рухсатсиз кириб, содир этилган ўғрилиқ 16% га ошганлиги, мазкур қилмишларнинг аксарияти латент бўлиб қолаётганлиги боис, юридик ва жисмоний шахсларга етказиладиган жуда кўп миқдордаги зарар қопланмаётганлиги сабабли шахсларнинг бузилган мулкый ҳуқуқларини тиклашнинг иложи бўлмаётганлиги, амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида ушбу жиноятлар учун жиноий жавобгарликни янада такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда¹.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини ўрганиш компьютер жиноятларини қуйидаги гуруҳларга:

1) компьютер техникаси ва маълумот ташувчи воситаларни ноқонуний равишда эгаллаш, олиб қўйиш, йўқ қилиш ёки шикаст етказишга қаратилган жиноятлар;

2) компьютер ахборотидан ноқонуний фойдаланиш, модификациялаштириш, вирус дастурларини ишлаб чиқиш, фойдаланиш ёки тарқатишга қаратилган жиноятлар, яъни компьютер ахбороти жиноий тажовуз объекти ҳисобланади;

3) компьютер ва бошқа компьютер техникасидан жиноят содир этиш курули ёки воситаси сифатида фойдаланиб, ахборотни алмаштириш ёки компьютер тизимига ёлғон ахборотларни киритиш орқали ўзганинг мулкига эгалик қилишга қаратилган жиноятларга ажратиш имконини берди².

¹ Очилов Ҳ.Р. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик Юрид. фан. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 26

² <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonda-kiberjinoatlarni-tergov-qilishga-doir-xalqaro-standart-hamda-ushbu-turdagi-jinoatlarni-tergov-qilishda/viewer>

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги кунда ахборот технологиялари орқали қуйидаги бир қатор жиноятлар содир этилмоқда:

вируслар ва зарарли дастурларни тарқатиш (шу жумладан “парол ўғрилари”, “пул талон-тарож қилувчилар”);

паролларни бузиш ва ноқонуний йўл билан кириш ҳуқуқини олиш;

банк карталари рақамларини ёки банк реквизитларини ўғирлаш;

“сохта” Интернет-дўконларда товарларни сотиб олиш (тўлиқ тўлаш билан);

“тақиқланган” материалларни тарқатиш (туҳмат, порно);

фишинг (пароллар, карталар, логин, кириш ҳуқуқларини ўғирлаш);

интернетда тиланчилик қилиш (хаёлий объектларни қуриш, хайрия учун маблағ йиғиш, болаларни даволаш);

аудио дориларни реклама қилиш;

интернетдаги танишлар ва “никоҳлар” билан фирибгарликлар;

“иккилик ким ошди савдоси” ёки “пулни ишончли бошқариш” тизимларини ташкил этиш;

турли хил ахборот тизимлари (масалан, банк, давлат идоралари, савдо майдончалари, фонд бозорлари) ишига аралашиш, шунингдек бошқа кўплаб нарсалар¹.

Компьютер технологиялари билан содир этиладиган мазкур жиноятлар юзасидан жавобгарлик масалаларини бир қатор хорижий давлатлар қонунчилиги мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, Австрия Жиноят кодекси 148а-моддасида маълумотларга автоматлаштирилган усулда ишлов бериш жараёнларига махсус дастурлар ёрдамида таъсир кўрсатиш, маълумотларни киритиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ёхуд маълумотларни йўқ қилиш йўли билан ёки маълумотларга ишлов бериш жараёнига таъсир кўрсатадиган бошқа усулда ғайриқонуний мулкый наф кўриш мақсадида етказган мулкый зарар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Фирибгарлик ҳаракатларидан кўрилган зарар миқдори 3 минг евродан ортиқ бўлса, қилмиш 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, агар етказилган зарар 50 минг евродан зиёд бўлса, айбдор 1 йилдан 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Германия ЖК 263а-моддасига мувофиқ, ўзи ёки учинчи шахс учун мулкый наф кўриш ниятида ҳаракат қилиб, маълумотларга ишлов бериш натижасида дастурларни нотўғри яратиш нотўғри ёки нотўлиқ дастурлардан фойдаланиш йўли билан таъсир кўрсатиш, қонунга хилоф равишда фойдаланиб, маълумотларга ишлов бериш натижасига ғайриқонуний таъсир кўрсатиш орқали

¹ <https://juristi-online.ru/uz/according-to-the-law/kiberprestupnost-statya-za-kiberprestupleniya-v-rossii-skoro-budut/>

Ўзга шахнинг мол-мулкига зарар етказган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши лозим (беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади). Мазкур модданинг 2-қисмида компьютер фирибгарлиги содир этишга тайёргарлик кўрганлик: компьютер дастурини яратганлик, тегишли асбоб-ускуналарни эгаллаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган (уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади).

Шунингдек, кибер ҳуқуқбузарликлар учун жазо Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 28-бобида назарда тутилган. Россия ЖК 272-моддаси маълумотларни блокировка қилиш, нусхалаш, йўқ қилиш ёки ўзгартиришга олиб келадиган СИга ноқонуний кириш ҳуқуқи учун жазони тасдиқлайди. Унда 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 273-моддаси зарарли дастурларни ишлаб чиқиш, тарқатиш, улардан фойдаланиш юзасидан жавобгарликни белгилаган бўлиб, жазо муддати 7 йилни ташкил қилади. 274-моддасида эса компьютерлар ва телекоммуникация ахборот тармоқларидан маълумотларни сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш қурилмаларининг ишлашига қўйиладиган талабларни бузиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, 5 йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутди¹.

Молдова Республикасининг ЖКда ахборот технологияларидан фойдаланиш йўли билан содир этилган фирибгарлик мулкка қарши жиноят сифатида эмас, балки ахборот борасидаги жиноят ва электр алоқаси соҳасидаги жиноят сифатида қаралади. Молдова ЖК 260⁶-моддасида ахборот борасидаги фирибгарлик деганда: 1) компьютер ахборотини ҳар қандай йўл билан қўлга киритиш, бузиш, ўчириш, йўқ қилиб юбориш ёки яшириш; 2) фаолият кўрсатаётган компьютер ахборот тизимида ҳар қандай йўл билан уланишни алдаш ниятида ёки ўзи учун ёхуд ўзга шахс учун ғайриқонуний иқтисодий наф олиш мақсадида содир этиш каби ўзганинг интеллектуал мулкига зарар ёки кўп миқдорда зарар етказилишига олиб келган, қасддан содир этилган ғайриқонуний ҳаракатлар тушунилади.

Хорижий мамлакатлар қонун чиқарувчиларининг компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш туфайли рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлардан келиб чиқиб жиноят таркиблари каби ёндашувлари диққатга сазовордир. ЎзРес ЖК 278²-моддасига мувофиқ, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз)

¹ <https://juristi-online.ru/uz/according-to-the-law/kiberprestupnost-statya-za-kiberprestupleniya-v-rossii-skoro-budut/>

фойдаланиш учун жинойй жавобгарлик фақат ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлган ҳолда келиб чиқиши мумкин.

Чет элда ўзгалар мулкани компьютер техникасидан фойдаланиб талон-торож қилишга қарши кураш бўйича жинойт-ҳуқуқий чораларнинг қиёсий таҳлилига қилар эканмиз, шуни қайд этиб ўтмоқчимизки, ҳар бир давлатнинг жинойт қонунчилигида ахборот борасидаги хавфсизликка тажовуз қилувчи қилмишларни криминаллаштиришга нисбатан бир хил ёндашилмаган, улар жинойт объектини тавсифлашда ҳам, жинойй қилмишларнинг турларини белгилашда ҳам, бундай тажовузларни содир этиш усуллари мустаҳкамлашда ҳам бир-биридан фарқ қилади. Аммо мазкур ёндашувда бир ўхшашлик мавжуд. Бугунги кунда ахборот борасидаги хавфсизликка тажовузларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўзгарди, у жинойт-ҳуқуқий нормаларнинг бир гуруҳи – иқтисодий ва ахборот хусусиятга эга бўлган жинойтлар доирасидан четга чиқди.

Жазо чоралари самарасиз, у аниқ: фош этиш даражаси жуда паст, жинойтлар кўпинча трансчегаравийдир, шунинг учун қонун чиқарувчилар учун асосий нарсa кибержинойтчиликнинг олдини олиш ва унга жавоб беришдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Б.Жумаев. Ўзбекистонда кибержинойтларни тергов қилишга доир халқаро сатндарт ҳамда ушбу турдаги жинойтларни тергов қилишда давлатларнинг манфаатли ҳамкорлиги масалалари долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси.

2. Расулев А.К. Международное сотрудничество и уголовно-правовые меры борьбы с компьютерными преступлениями. Учебное пособие. – Ташкент: Высшая школа стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан, 2005. – С.29.

3. Очиллов Х.Р. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик// Юрид. фан. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 26

4. <https://juristi-online.ru/uz/according-to-the-law/kiberprestupnost-statya-za-kiberprestupleniya-v-rossii-skoro-budut/>

5. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonda-kiberjinoatlarni-tergov-qilishga-doir-xalqaro-standart-hamda-ushbu-turdagi-jinoatlarni-tergov-qilishda/viewer>